БУТУН ДУН'Ё ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНҒИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 157 (388)

9 АВГУСТ СЕШАНБА 1955 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Совет халқи барча халқлар блан тинч ва дўст бўлиб яшашга интилмоқда

Ватанимизнинг халқлари Совет давлатининг ленинча тинчликсевар ташқи сиёсатини якдиллик блан ма'қулламоқдалар. СССР Олий Советининг 4—5 августда бўлиб ўтган сессияси буни айниқса очиқ ва равшан кўрсатди. Сессия СССР Министрлар Совети Раиси ўртоқ Н. А. Булганининг тўрт давлат ҳукуматлари Бошлиқлари Женева Кенгашининг якунлари тўғрисидаги докладини эшитди ва муҳокама қилди.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Женева Кенгашидаги ССР Иттифоқи Ҳукумат Делегациясининг фаолиятини тўла ма'қуллади. У Совет давлатининг ташқи сиёсати совет халқларининг ҳаётий манфаатларига, бутун дун'ёда тинчликни ва ҳавфсизликни мустаҳкамлаш манфаатларига жавоб беришини якдиллик блан та'кидлаб ўтди.

СССР Олий Советининг қарорида та'кидлаб ўтиладики, тўрт давлат ҳукуматлари Бошлиқларининг Женева Кенгаши ҳақиқатан тарихий аҳамиятга эгадир ва давлатларнинг сиёсий ҳамда ижтимоий тузумидан қат'и назар, тотув яшаш ва давлатлар ўртасида ишонч ўрнатиш асосида улар ўртасидаги муносабатларни яхшилашда янги давр бошлаб беради.

Меҳнаткашларнинг бугун «Правда»да э'лон қилинган фикрлари шуни кўрсатадики, кўпмиллионли совет халқи Женева кенгашининг якунларига берилган бу баҳони қизғин қўллаб-қувватламоқда ва янги уруш хавфини йўқотиш учун ҳамда барча давлатлар ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш учун актив курашаётган Совет ҳукуматига чуқур муҳаббат ва миннатдорчилик изҳор қилмоқда.

Совет ҳукуматининг тинчликсевар ташқи сиёсати Ватанимиз чегарасидан ташқарида ҳам қизғин ма'қулланмоқда. Улуг Хитой халқи, халқ демократияси мамлакатларининг халқлари ва барча тинчликсевар халқлар Женева кенгашининг якунларига тинчлик ишининг катта муваффақияти деб баҳо бермоқдалар. Улар тинчлик ва ҳавфсизлик учун янада зўр куч ва ғайрат блан курашишга бел боғлаганликларини айтмоқдалар.

Давлатлар ўртасида ишонч ўрнатиш учун зарур бўлган ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик руҳи Женева кенгашининг асосий хусусияти бўлди.

«Бу Кенгашда ижтимоий ва давлат тузуми турлича бўлган мамлакатларнинг вакиллари қатнашганликлари назарга олинса, — деган эди ўртоқ Н. С. Хрушчев 26 июльда Берлинда сўзлаган нутқида, — у вақтда каттагина ижобий натижаларга эришилди деб ҳисоблаш айниқса керак. Женева кенгашида давлатларнинг сиёсий ва ижтимоий тузумидан қат'и назар, тотув яшаш асосида улар ўртасида ишонч ўрнатилишига асос солинди».

Совет Ҳукумат Делегацияси халқаро проблемаларни кўриб чиқишга амалий ва реалистик қараб иш кўрганлиги ҳамда бу проблемаларни музокаралар йўли блан ҳал этишга эришишга интилганлиги Женева кенгашининг муваффақиятига кўп даражада ёрдам берди. Женева кенгашининг бошқа қатнашчиларига ва шу жумладан АҚШ президенти Д. Эйзенхауэрга, Англия бош министри А. Иденга ва Франция бош министри Э. Форга ҳам лозим даражада баҳо бермасдан ўтиб бўлмайди, улар ҳам Кенгашнинг иши муваффақиятли бўлишига ёрдам бердилар.

Халқаро жамоатчиликнинг кенг доиралари, масалан, Европада коллектив ҳавфсизликнинг икки даврига мўлжалланган системасини вужудга келтириш тўғрисида СССРнинг янги таклифларини э'тибор блан ма'қуллаб кутиб олдилар. Шу блан бирга совет томони мазкур таклифлар бу масалани ҳал этишга асос бўлиши мумкин бўлган ягона таклифлар эмаслигини та'кидлаб ўтди. Жумладан, агар Германиялаги мавжуд вазият назарга олинадиган бўлса, у вақтда Англия бош министри А. Иденнинг камроқ давлатлар иштироки блан ҳавфсизлик пакти тузиш тўғрисидаги мулоҳазалари э'тиборга сазовордир.

Совет делегациясининг Ғарбий группировка блан Варшава группировкаси ўртасида шартнома тузиш тўғрисидаги янги таклифи ҳам жамоат доираларида зўр қизиқиш блан кутиб олинди. Бу шартномага мувофиқ Умумевропа коллектив ҳавфсизлик системаси вужудга келтирилганига қадар бу группировкаларнинг қатнашчилари бир-бирларига қарши қуролли куч қўллаламаслик мажбуриятларини олган бўлар эдилар.

Бу таклифларнинг ҳаммасини октябрьда тўрт давлат ташқи ишлар министрлари кўриб чиқадилар. Тинчликсевар халқлар ҳамма томонларнинг ҳақли талабларини назарга олишга интилиш бўлган тақдирда бу муҳокама самарали натижалар беради деб ўйлашга ҳақлидирлар.

Кенгашда кўрилган қуролсизланиш проблемаси Женевадаги музокараларнинг боришини э'тибор блан кузатган юз миллионларча кишиларнинг назарида ғоят катта аҳамиятга эгадир. Бу соҳадаги асосий вазифа давлатларнинг позицияларини яқинлаштириш йўлларини топишдан ҳамда бу масалада оддий қурол-яроғларни қисқартириш тўғрисида, атом қуролини тақиқлаш тўғрисида ва самарали халқаро контроль ўрнатиш тўғрисида бир фикрга келишдан иборатдир. Совет Иттифоқи уч давлатнинг қуролли кучлар даражаси тўғрисидаги таклифига рози бўлди. Ғарбий давлатлар ҳам бунга жавобан атом қуроли тўғрисидаги масалада Совет Иттифоқининг таклифини ма'қуллайдилар деб кутиш мумкин эди.

Шу муносабат блан қурол-яроғларни қисқартириш ва атом қуролини тақиқлаш тўғрисидаги қарорларга амал қилиниши устидан тамомила зарур бўлган халқаро контроль ўрнатиш ҳақидаги масала алоҳида аҳамиятга эгадир. Совет ҳукумати 10 майдаги ўз таклифларида контроль қилишнинг жуда радикал методига тарафдор бўлганлигини, я'ни бир давлатнинг иккинчи давлатга тўсатдан ҳужум қилишининг олдини олиш мақсадида Халқаро контроль органининг барча тегишли давлатлар территориясида ўзаро келишиш асосида дарҳол контроль постлари тузишига тарафдор бўлган эди. Бундай постларни катта портларда, темир йўл узелларида, автомагистральларда ва аэродромларда тузиш таклиф қилинади. Бу постлар қуруқликдаги ҳарбий кучларнинг, шунингдек ҳарбий ҳаво ва ҳарбий денгиз кучларининг ҳавф туғдирадиган даражада тўпланмаслиги ва кўчиб юрмаслиги устидан кузатиб борган бўлар эдилар.

Совет Иттифоқи бу таклифларни ҳимоя қилиш блан бир қаторда мазкур проблемани ҳал этиш учун йўл топиш ниятини кузатган бошқа ҳарқандай таклифларни ҳам жиддий равишда муҳокама қилишдан бош тортмайди.

Н. А. Булганин Олий Совет сессиясида сўзлаган охирги сўзида Д. Эйзенхауэрнинг АҚШ блан СССР ўртасида ҳарбий информация айирбошлашни ташкил этиш ва ўзаро аэрофотос'емка қилиш тўғрисидаги таклифи ҳақида бундай деди:

«Совет ҳукумати мана шу жуда муҳим масалада позицияларни яқинлаштириш ва бамаслаҳат бир фикрга келиш зарурлигини назарда тутиб Эйзенхауэр жанобларининг таклифини диққат блан жиддий ўрганмоқда ва ўрганади.

Биз шу нарсага аминмизки, халқларнинг тинч яшаши учун курашда биз бундан буён ҳам биргаликда ҳаракат қиламиз ва ишлар яхши боради, ишнинг охири яхши бўлади».

АҚШ президенти Эйзенхауэр шу америка ва совет таклифлари ҳақида 4 августдаги матбуот конференциясида сўзлаб АҚШ ҳукумати Америка таклифлари асосида ҳам, совет таклифлари асосида ҳам халқаро контроль ташкил этиш ҳақидаги масала юзасидан икки томонга ма'қул бўладиган қарорга келиш йўлларини қидиришга тайёр турганлигини айтди.

Женева кенгашида Германия масаласи муҳокама қилинганлиги кенгаш қатнашчиларига бир-бирларининг позицияларини аниқлашга, бу масаланинг ҳамма томонларини яхшироқ тушунишга, уни ҳал қилиш имкониятини ўрганишга ёрдам берди.

Германия масаласида бўлган фикр олишувлар жараёнида Совет Ҳукумат Делегацияси Ғарбий Германияни ремилитаризациялаш ва унинг ҳарбий блокларда қатнашуви мамлакатнинг бирлашувига имкон бермас эди, деб яна бир марта уқтириб ўтди. Шу блан бирга Совет делегацияси ўтган ўн йил мобайнида Германия территориясида ижтимоий ва иқтисодий укладлари бошқа-бошқа бўлган иккита мустақил герман давлати вужудга келганлигини эслатиб ўтди. Бу шароитда Германия масаласини фақат халқаро кескинликни юмшатиш, мавжуд ҳарбий гуруҳларни тугатиш ва Европада коллектив ҳавфсизлик системаси тузиш йўли блангина, тинчлик манфаатларини кўзлаб Германия Демократик Республикаси блан Германия Федерал Республикасининг ҳамкорлик қилишлари ва уларнинг бир-бирларига яқинлашиши йўли блангина ҳал қилиш мумкин.

Женева кенгашида Совет Ҳукумат Делегацияси халқаро кескинликни юмшатиш учун ўз аҳамиятига эга бўлган бошқа бирқанча проблемаларни ҳам ўртага қўйди. Жумладан, бетарафлик ҳамда ҳарбий блокларда ва коалицияларда қатнашмаслик сиёсатини амалга ошириш учун Европадаги, Яқин ва Ўрта Шарқдаги ба'зи давлатларда тобора кучайиб бораётган ҳаракат ҳозирги шароитда катта аҳамиятга эга бўлганлигини та'кидлаб ўтди. Совет Ҳукумат Делегацияси ана шундай сиёсатни амалга оширишни ҳамда ўз ҳавфсизлигининг ва территориал дахлсизлигининг та'минланишини хоҳлайдиган давлатларни тўрт давлатнинг қўллаб-қувватлаши ҳақидаги масалани қўйди.

Женевадаги музокараларнинг қатнашчилари халқаро миқ'ёсда иқтисодий, илмий ва маданий алоқаларни ҳартомонлама ривожлантириш давлатлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлашга кўп даражада ёрдам берган бўлар эди деган фикрга якдиллик блан қўшилдилар. Совет Иттифоқи бирқанча марта кўрсатиб ўтганидек, бундай алоқалар зарур даражада ривожланган эмас. Президент Д. Эйзенхауэрнинг таклифи блан ғўрт давлат ҳукуматлари Бошлиқлари ташқи ишлар министрларига Шарқ блан Ғарб ўртасидаги алоқани ривожлантириш ҳақидаги масалани ўрганишни давом этдиришни ва халқаро миқ'ёсдаги ғовларни аста-секин битиришга ҳамда эркин, ўзаро фойда келтирадиган алоқаларни амалга оширишга олиб келадиган чоралар белгилашни топширдилар.

Афсуски, Кенгашда Осиё ва Узоқ Шарқка доир актуал проблемаларни муҳокама қилиш ҳақидаги совет таклифи қабул қилинмади. Фақат тўрт давлат ҳукуматлари Бошлиқлари ўртасида ғайри-расмий фикр олишув бўлди. Жумладан, 1954 йилги Женева битимининг бажарилиши муносабати блан Ҳинди-Хитой ҳақидаги масала юзасидан, шунингдек АҚШ блан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги муносабатлар тўғрисида фикр олишув бўлди, шу фикр олишув вақтида совет томони Тайвань ҳақидаги масалага ва Хитой Халқ Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги ҳуқуқлари ҳақидаги масалага асосий э'тибор берди. Бу фикр олишув мазкур масалаларнинг хитой халқининг ва Осиёдаги бошқа халқларнинг ҳуқуқларига ҳамда Узоқ Шарқда тинчликни сақлаш манфаатларига мувофиқ ҳал этилишига хизмат қилади деб ўйлаш керак.

Совет халқи Хитой Халқ Республикасининг ўртоқ Чжоу Энь лайнинг 30 июльдаги баёнотида айтиб ўтилган муҳим таклифларини ма'қулламоқда. Бу таклифлар ҳал этилмаган масалаларни ҳал этишга қаратилган ва Осиё районида ҳамда Тинч Океан ҳавзасида халқаро ишонч ўрнатиш учун қулай истиқболлар вужудга келтиради.

Совет жамоатчилиги тўрт давлат ҳукуматлари Бошлиқлари Женева Кенгашининг якунларини ҳозирги халқаро вазият блан боғлаб муҳокама қилиб, Совет ҳукуматининг халқаро муносабатларни нормаллаштириш йўлидаги қимматли ташаббуси туфайли эришилган муҳим муваффақиятларни қониқиш блан та'кидламоқда.

Совет-Югославия муносабатларининг нормаллашганлиги тинчлик учун алоҳида аҳамиятга эгадир. Совет-Югославия муносабатларининг нормаллашганлиги тинчлик ва социализм манфаатларини кўзлаб иккала мамлакат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш учун йўл очди. Ўртоқ Булганин Олий Совет сессиясида қилган докладида Иттифоқ Халқ Скупшчинасининг сессияда ҳозир бўлган делегациясига ва бутун югослав халқига мурожаат қилиб бундай деди: «Биз шу минбардан туриб югославияли дўстларимизни ва Югославия президенти ўртоқ Титони табриклаймиз ва шу нарсани айтиб ўтишни зарур деб ҳисоблаймизки, партиямиз Марказий Комитети, Совет ҳукумати ва бутун совет халқи Югославиянинг қардош халқлари блан дўст бўлиш ва астойдил ҳамкорлик қилиш мақсадида биргаликда танлаб олинган йўлдан бормоқ учун янада ўзларининг куч ва ғайратларини сарф қиладилар».

СССР Олий Совети Женева кенгашининг якунларига баҳо бериб алоҳида та'кидлаб ўтдики, тўрт буюк давлат ҳукуматлари Бошлиқлари Женева Кенгашида бир-бирлари блан шахсий алоқа боғлаганликлари мамлакатлар ўртасида амалий ҳамкорлик қилиш вазиятини вужудга келтиришга ёрдам беради. Мана шу шахсий алоқаларнинг янада ривожлантирилиши тинчлик ва халқаро ҳамкорлик ишини мустаҳкамлаш манфаатларига, ҳеч шубҳасиз, мос бўлиб тушади. Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев ўртоқларнинг Буюк Британияга боришлари ҳамда Франция бош министри Фор ва ташқи ишлар минисри Пинэнинг Москвага келишлари тўрт давлат ҳукуматлари Бошлиқлари ўртасида шахсий алоқалар боғлаш йўли муттасил ривожланиб боришининг далилидир.

Ҳозирдаёқ тинчликсевар халқларнинг э'тибори тўрт давлат ташқи ишлар министрларининг октябрьга тайинланган кенгашига тайёргарлик кўришга қаратилмоқда. Бу кенгаш Женевада ҳукуматларнинг Бошлиқлари томонидан муҳокама қилинган масалаларни ҳал этиш учун самарали тадбирлар ишлаб чиқиши керак. Ҳал этилишини кутаётган проблемаларнинг қийинлигини камайтириб кўрсатиш керак эмас, аммо Женева кенгашидаги ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик руҳи министрларнинг бўлажак кенгаши муваффақиятли иш олиб бориши учун гаров бўлиб хизмат қилади.

Барча тинчликсевар кучлар халқаро ҳамкорлик мустаҳкамланади ва ривожланади деб ишонч билдирмоқдалар. Бу нарса чинакам уруш ва совуқ муносабатлар урушининг учига чиққан тарафдорлари ўз қуролини йиғиштириб қўйганликларини билдирмайди, албатта. Лекин халқлар ўртасида душманлик ўрнатиш тарафдорларининг позициялари сезиларлик даражада бўшашмоқда. Ҳозир айтиш мумкинки, тинчлик учун ҳамма мамлакатларда авж олган қизғин ва мардона кураш самарали натижалар беради.

Совет Иттифоқидаги барча халқларнинг умумий тинчликни ва хавфсизликни мустаҳкамлаш учун, Ватанимизнинг куч-қудратини янада гуллатиб-яшнатиш учун яна ҳам кўпроқ ғайрат блан курашиш тўғрисида якдиллик блан изҳор қилаётган иродаси депутатларнинг нутқларида ва СССР Олий Советининг қарорида ўз ифодасини топди.

Совет халқи барча халқлар блан тинч ва дўст бўлиб яшашга интилмоқда.

(«ПРАВДА»нинг 7 августдаги бошмақоласи).

Атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланишга бағишланиб ўтказилаётган Халқаро илмий-техника конференциясининг раиси

БАБА жанобларига

ЖЕНЕВА

Совет Иттифоқи замонамизнинг улуғ илмий кашфиётларидан уруш ва вайронгарчилик мақсадларида эмас, балки яратиш мақсадлари учун инсоният бахт-саодати йўлида, халқларнинг фаровонлигини ва турмуш даражасини ошириш учун фойдаланиш соҳасида кенг халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга катта аҳамият бериб, атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасидаги билимлар ва тажрибаларни айирбошлашга бағишлаб ўтказилаётган Халқаро илмий-техника конференциясини табриклайди.

Совет ҳукумати, Конференция атом энергиясини тинч мақсадларда қўлланиш соҳасида халқаро илмий ҳамкорликни ривожлантириш ишида бу Конференция олга томон қўйилган катта қадам бўлади, деб умид билдиради ва бу олижаноб вазифани амалга оширишда Конференцияга ҳартомонлама муваффақият тилайди.

1955 йил, 7 август.

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. БУЛГАНИН.

СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин ҳузурида дипломатик ваколатхоналаринг бошлиқлари учун қабул маросими

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин Москвадаги ваколатхоналаринг бошлиқлари учун 7 августда катта қабул маросими ўтказди.

...Москва атрофидаги энг кўркам жойлардан бирида бўлган боққа кундуз соат иккиларда меҳмонлар келабошлади. Қайинзор ва ўтлоқлар орқали ўтган ва асфальтланган йўлда четэл давлатларининг байроқчалари ҳилпиллаб турган машиналар кетма-кет ўтмоқда. Улар орасида совет давлат ва жамоат арбоблари тушиб бораётган машиналарни ҳам кўриш мумкин эди.

Кўркам қадимий паркда меҳмонларни Н. А. Булганин, Л. М. Каганович, Г. М. Маленков, А. И. Микоян, В. М. Молотов, М. Г. Первухин, М. А. Суслов, Н. С. Хрушчев ўртоқлар, КПСС Марказий Комитетининг секретарьлари А. Б. Аристов, Н. И. Беляев, П. Н. Поспелов, Д. Т. Шепилов кутиб олдилар. Коммунистик партиянинг ва Совет давлатининг раҳбарлари Элчихоналар ва Миссияларнинг Бошлиқлари блан, уларнинг хотиналари ва болалар блан самимий саломлашадилар. Улар меҳмонларнинг сиҳат-саломатлигини сўраб, дўстона ҳазил гапларни айтиб кулдирмоқдалар. Олисдан оркестр садолари келмоқда. Меҳмонлар орасида қуйидагилар бор: Фавқулодда ва Мухтор Элчилар: Бирма Иттифоқидан—Монг Он, Бельгиядан—А. Ж. Уотерс, Вьетнам Демократик Республикасидан — Нгуэн Лонг Банг, Италия Республикасидан — М. ди Стефано, Ҳиндистон Республикасидан — К. П. Ш. Менон, Аргентинадан — Л. Браво, Америка Қўшма Штатларидан — Ч. Э. Болен, Мўғулистон Халқ Республикасидан — Д. Адилбиш, Албания Халқ Республикасидан М. Прифти, Югославия Федератив Халқ Республикасидан — Д. Видич, Мексикадан — А. Розенцвейг Диас, Канададан — Ж. Б. К. Уоткинс, Индонезия Республикасидан — Субандрио, Исроил Давлатидан — И. Авидар, Корея Халқ-Демократик Республикасидан — Ли Сан Чо; Фавқулодда Вакил ва Мухтор Министрлар: Таиланддан — Ш. Срестапутра, Исландиядан — П. Торстейнссон, Суриядан—Ф. Ҳани, Ливандан— А. Наккжар, Данияндан — А. Мерк; Муваққат Ишлар Вакиллари: Эрондан — А. Этесамий, Покистондан — М. Аҳмад, Мисрдан — Н. А. Х. Қадрий, Туркиядан — Д. Туналигил, Афғонистондан — А. Қаюм, Хитой Халқ Республикасидан — Вэнь Нин, Германия Демократик Республикасидан — К. Зейц, Руминия Халқ Республикасидан — Ш. Дуку, Буюк Британиядан — С. К. Парротт, Нидерландиядан — М. З. Н. Виттивейн хоним, Чехословакия Республикасидан — И. Чех, Швециядан — Л. Петри, Финляндиядан Я. Халлама, Норвегиядан — П. Борген, Франциядан — Ж. ле Руа, Венгрия Халқ Республикасидан — П. Ковач, Австриядан — Г. Грубмайер, Польша Халқ Республикасидан — Ю. Банак, Грециядан — Г. Д. Калуцис, Болгария Халқ Республикасидан — П. Н. Парвуланов, Люксембургдан — А. Лабойри, Эфиопиядан — К. Ф. Шифферау, Швейцариядан — Р. Хунцикер.

Ўртоқ Н. А. Булганин Югославия Федератив Халқ Республикаси Иттифоқи Халқ Скупшчинаси делегациясининг бошлиғи В. Бакарич блан ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Осиё ва Узоқ Шарқ учун Иқтисодий комиссиясининг ижроия секретари П. С. Локанатан блан самимий саломлашди.

Н. А. Булганин ҳузуридаги қабул маросимига СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари П. П. Лобанов ва И. Ф. Тевосян, РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси М. П. Тарасов, РСФСР Министрлар Советининг раиси А. М. Пузанов, СССР министрлари И. А. Бенедиктов, В. П. Елютин, Г. К. Жуков ва А. Г. Зверев, Совет Иттифоқи Маршаллари С. С. Бирюзов ва И. С. Конев, СССР Госпланининг раиси Н. К. Байбаков, СССР Олий Совети Президиумининг секретари Н. М. Пегов, Иқтисодий алоқалар ишлари Бош Бошқармасининг бошлиғи К. И. Коваль, ТАСС Мас'ул раҳбари Н. Г. Пальгунов, «Труд» газетасининг бош редактори Б. С. Бурков, СССР Министрларининг ўринбосарлари С. А. Борисов, В. А. Зорин, С. В. Кафтанов, В. В. Кузнецов, Москва область Совети ижроия комитетининг раиси А. П. Волков, Москва Совети ижроия комитетининг раиси М. А. Яснов, генерал-полковник И. А. Серов, адмирал С. Г. Горшков, ВЦСПС раисининг ўринбосари Л. Н. Соловьев, Украина Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари О. И. Ивашченко, КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари: Е. А. Фурцева, СССРнинг Чехословакия Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Н. П. Фирюбин, ВЦСПС секретари Н. В. Попова, СССР Ташқи Ишлар Министрлиги коллегиясининг а'зоси Л. Ф. Ильичев, СССР Министрлар Совети Раисининг Протокол бошлиғи Е. А. Тарабрин, СССР Ташқи Ишлар министрлиги бўлимларининг мудирлари А. А. Арутюнян, Б. М. Волков, И. Ф. Курдюков, С. Г. Лапин, Ф. Ф. Молочков келдилар.

Қабул маросимида совет ва четэл журналистлари, СССР Министрлар Советининг ва СССР Ташқи Ишлар министрлигининг мас'ул ходимлари ҳам бўлди.

...Тез орада қизғин суҳбатлар бошланиб кетди. Н. С. Хрушчев ҳозир бўлганларнинг ҳаммасини паркни тамоша қилишга чақиради. Четэл ва совет меҳмонлари соя-салқин ҳиёбонларда юриб, ҳовузларнинг тиниқ сувларини завқланиб тамоша қиладилар. Дарахтлар орасида осиб қўйилган гамаклар ва қулай тўқима креслолар, сув бўйларида — қайиқлар ва моторли катерлар кўринибтурипти. Балиқ овлашга ишқибоз бўлганлар учун ов асбоблари ҳам тайёр. А. И. Микоян Америка элчисининг онласи блан қайиққа тушади, уларнинг кетидан бошқа меҳмонлар тушган қайиқлар сузиб кетади. Шод-ҳуррамлик овозлари, ҳазил-ҳузил гаплар, кулги товушлари эшитилиб турипти.

Меҳмонлар паркни сайр қилиб чиққанларидан кейин катта ҳовуз бўйига келиб, устига зиёфат овқатлари қўйилган столлар ёнига ўтирадилар.

Зиёфатдан кейин Н. А. Булганин меҳмонларнинг ҳаммасига қабул маросимида қатнашганликлари учун Совет ҳукумати номидан ташаккур билдирди ва шундай улфатлар блан кун ўтказиш жуда ёқимли бўлади, деди. Бугунги учрашув, деди Н. А. Булганин, Женевада вужудга келтирилган ва мана шундай учрашув имкониятини туғдирган дўстлик руҳини акс этдиради.

Сўнгра, Н. А. Булганин, шу хилдаги учрашувлар тез-тез бўлиб турсин, деб истак билдирди. Н. А. Булганин шуерда учрашган барча қамлакатларнинг вакиллари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш учун қадаҳ кўтарди.

Бирма Иттифоқининг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Монг Он дипломатик корпус дуайени (оқсоқоли) сифатида жавоб нутқи сўзлаб, Совет ҳукуматига дипломатик корпуса шунчалик илтифот қилганлиги учун ташаккур билдирди. У, Женева кенгаши руҳида дўстликни мустаҳкамлаш, ҳамжиҳатликни ривожлантириш, Ғарб ва Шарқнинг, Шимол ва Жанубнинг ҳамма мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларни кенгайтириш ишларида муваффақиятлар тилаганлигини айтди.

Сайр вақтида бошланган дўстона суҳбатлар дастурхон устида давом қилди. Меҳмонлар орасида футбол ишқибозлари оз эмас. Улар қалин арча дарахти остига қўйилган телевизор олдига дамба-дам келиб, шу пайтда «Динамо» стадионида совет футболчилари блан инглиз футболчилари қандай ўйнаётганлигини ҳаяжонланиб кузатадилар.

Қабул маросими вақтида концерт қўйиб берилди, концертда СССР халқ артистлари И. Козловский, С. Образцов, М. Рейзен, Б. Иванов, Украина ССР халқ артисти Н. Гончаренко, скрипкачилар халқаро конкурсларининг лауреати Ю. Ситковецкий, пианиночилар халқаро конкурсларининг лауреати Т. Николаева, СССР Большой театрининг солисти М. Звездина қатнашдилар; фортепианода О. Образцова, Б. Абрамович, Н. Вальтер, гитарада А. Иванов-Крамской жўр қилдилар.

Қабул маросими бемалоллик блан, ғоят дўстона вазиятда ўтди. (ТАСС).

Областимиз меҳнаткашлари СССР Олий Советининг Қарорини қизғин ма'қулламоқдалар

☆ ☆ ☆

Мустаҳкам тинчлик бизнинг бахтимиз

ЧИНОЗ (**«Тошкент ҳақиқати» мухбиридан**). Район меҳнаткашлари, бутун совет халқи сингари Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг донолик блан олиб бораётган тинчлик сиёсатини якдиллик блан ма'қулламоқдалар. Ленин номли колхоз а'золари СССР Олий Советининг сессиясида СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Булганининнг тўрт давлат ҳукумат бошлиқларининг Женева Кенгаши якунлари тўғрисида қилган докладини ва бу ҳақдаги Олий Совет қарорини ўқиб ўрганмоқдалар.

Колхозчиларнинг фикр ва туйғулларини тўғри ифодалаб, 4-нчи бригада бошлиғи Ачохон Исомова бундай деди:

— Биз партиямиз ва Совет ҳукумати томонидан тинмай олиб борилаётган тинчлик сиёсатидан беҳад миннатдормиз. Социализмдан коммунизмга қараб кетаётган совет кишиларининг тинчликдан бошқа истаги йўқ. Тинчлик туфайли Ватанимиз гуллаб яшнаяпти. Биз ҳамма халқларнинг тинч ва иноқлик блан яшашини истаймиз. Мамлакатимизда тинчлик барқарорлиги туфайли меҳнатда янгидан-янги самараларга эришмоқдамиз. Бригадамиз а'золари 67,5 гектар ернинг ҳарбир гектаридан 34 центнердан пахта ҳосили етиштириш учун курашмоқдалар. Ҳозир далаларимизда мўл пахта ҳосили етишмоқда. Женева кенгашининг якунлари бизни қувонтириб юборди, кўнглимизларигашликни йўқотди. Шу туфайли биз яна астойдил ишлайбошладик. Август ҳосилгаҳосил қўшиш ойида ғўза парваришини тинмай давом этдирмоқдамиз. Шу туфайли бу йил ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил олиш учун қўшимча мажбурият олдик.

«Қизил Октябрь» колхозининг звено бошлиғи Отоев ҳар гектар ердан 50 центнердан ҳосил йиғиб олиш мажбуриятини олди. Райондаги бошқа колхозларда ҳам СССР Олий Советининг Женева Кенгаши якунлари тўғрисида қабул қилган қарори муносабати блан қўшимча мажбуриятлар олинмоқда.

Тинчликни мустаҳкамлаш йўлида

Республикамиз пойтахти саноат корхоналарининг ишчи ва хизматчилари, инженер-техник ходимлари барча совет халқлари қатори СССР Олий Совети учинчи сессиясининг тўрт Давлат Ҳукуматлари Бошлиқлари Женева Кенгашининг якунлари тўғрисида СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин доклади юзасидан қабул қилган қарорини ва сессия материалларини ғоят баланд руҳ блан ма'қулламоқдалар.

Совет Ҳукуматининг ва барча тинчликсевар кишиларнинг истакларини ифодалаган бу ҳужжат «Ўзбексельмаш» заводи цехларида ҳам индивидуаль ва коллектив равишда ўқиб ўрганилмоқда. Агитаторлар кенг тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Машинасозлар коллективи ҳукуматимизнинг давлатлар ўртасидаги жанжалли масалаларни тинч йўл блан ҳал қилишга, тинчлик ишини мустаҳкамлашга қаратилган ташқи сиёсатини қувватлаш блан бирга мамлакатимиз иқтисодий қудратини ошириш учун фидокорона меҳнат қилмоқда. 12-нчи транспорт цехи коллективи бу соҳада намунали ишлар қилаётир. Ярим йиллик планни 116 процент қилиб бажарган цех коллективи июль ойи топшириғини 119 процентга етказиб адо этишга муваффақ бўлди. Юкларни зичлаб жойлаштириш орқасида 7 ой давомида 361 вагон тежаб қолиниб, бир миллион сўмдан ортиқ давлат маблағи иқтисод қилинди.

— Бу ютуқлар бизни қаноатлантирмайди, — дейди цех бошлиғи ўртоқ Сатанин, — биз қанча унумлироқ ишласак, социалистик қишлоқ хўжалигимиз шунча тезроқ юксалади, демак тинчлик тарафдорлари кучига-куч қўшилади. Шунинг учун ҳам биз кун сайин мавжуд ички резервлардан унумли фойдаланиш ҳисобига юқори кўрсаткичларга эришиш учун курашамиз.

Сессия қарори—халқларимиз иродаси

Темир йўл Тошкент бўлими корхоналарида СССР Олий Советининг яқинда бўлиб ўтган учинчи сессияси якунларига бағишланган йиғилишлар, оммавий митинглар бўлиб ўтмоқда. Барча касб эгалари — машинистлар ва диспетчерлар, стрелкачилар ва тарозибонлар, состав тузучилар ва проводниклар Совет Иттифоқи ташқи сиёсатини бир овоздан ма'қулламоқдалар.

Тошкент тепловоз депосида бўлиб ўтган митингда машҳур машинист Деҳқон Султонов шундай деди:

—Биз ҳаммамиз Женева Кенгашини катта умидлар блан кузатиб бордик. Чунки бу Кенгашда дун'ё халқларини қизиқтираётган муҳим масалалар муҳокама қилинди. СССР Олий Советининг учинчи сессиясида ўртоқ Булганининнг Кенгаш якунлари тўғрисида қилган доклади ва доклад юзасидан қабул қилинган қарор совет халқлари иродасининг, ленинча ташқи доно сиёсатнинг ёрқин ифодасидир.

— Совет ҳукумати, — деди сўзга чиққан диспетчер Кондратьев, — халқаро муносабатлардаги кескинликни юмшатиш ташаббускори бўлди. Бизнинг ҳукуматимиз давлатлар ўртасидаги жанжалли масалаларни ўзаро келишиш йўли блан ҳал қилиш сиёсатини қўллаб келмоқда. Шунинг учун уни совет халқлари, дун'ёдаги барча тинчликсевар кучлар қўллаб-қувватламоқда. Биз, темирйўлчилар, бу олижаноб сиёсатни оғиздагина қувватлаб қўяқолмай, уни амалий иш блан, меҳнат соҳасида юқори кўрсаткичларга эришиш блан мустаҳкамлаймиз.

КОММУНИСТИК ПАРТИЯНИНГ ЛЕНИНЧА ТАКТИК АСОСЛАРИ

(В. И. Ленининг «Демократик революцияда социал-демократиянинг икки тактикаси» деган китоби босилиб чиққанига 50 йил тўлиши муносабати билан)

В. И. Ленининг «Демократик революцияда социал-демократиянинг икки тактикаси» деган генераль асари марксизм-ленинизм хазинасига қўшилган буюк ҳисса бўлиб, большевизм тарихида муҳим роль ўйнади.

В. И. Ленин бу асарини биринчи рус революцияси даврида ёзди. 1905—1907 йиллар революцияси империализм давридаги биринчи халқ революцияси эди. Чунки бу революциянинг раҳбари ва асосий ҳаракатлантирувчи кучи пролетариат эди. Унга Коммунистик партия раҳбарлик ва етакчилик қилди. 1905—1907 йиллар революцияси оммани сиёсий жиҳатдан тарбиялашнинг жиддий мактаби бўлди. Бу революция миллионларча оммани сиёсий курашга уйғотди, революцион кураш тарихида янги саҳифа, жуда чуқур сиёсий ларзалар ва революцион бўронлар даврини очди.

Биринчи рус революцияси жамиятнинг барча синфларини ҳаракатга келтирди. Революция туфайли мамлакатнинг сиёсий ҳаётида юз берган ўзгаришлар ҳарбир синфга, ҳарбир партияга ўзининг тактикасини, ўзининг бошқа синфларга, ҳукуматга муносабатини белгилаб олишни тақоза қилар эди. Пролетариат партияси олдида турган муҳим вазифа омманинг революцион курашига тўғри ва қат'ий сиёсий раҳбарликни та'минлашдан иборат эди. Аммо меньшевикларнинг ажратучилик ҳаракатлари натижасида РСДРП сафларида бирлик йўқ эди. Партия бир-бирига зид бўлган икки фракцияга, большевиклар ва меньшевикларга ажралган эди. Улар революциянинг характерига, ҳаракатлантирувчи кучларига ҳамда пролетариатнинг навбатдаги вазифаларига турлича баҳо бердилар, партиянинг стратегияси ва тактикаси масалаларида турлича йўл тутдилар.

1905 йил апрель ойида бўлиб ўтган партиянинг III с'езди ташкилий ва тактика масалаларида меньшевизмга қаттиқ зарба берди ҳамда революцияда пролетариатнинг асосий йўлбошчи ва ҳаракатлантирувчи куч эканлигини кўрсатди. Бу—сиёсий стачкалар ўтказиш, 8 соатлик иш куни ва ишчилар синфининг назбатда турган бошқа талабларини дарҳол революцион йўл билан амалга оширишни уюштириш, помещиклар ерларини мусодара қилишни ҳам ўз ичига оладиган ҳамма демократик ислоҳатларни революцион йўл билан амалга оширмоқ учун дарҳол революцион деҳқон комитетларини ташкил этиш, ишчиларни қуроллантиришга қаратилган жанговар шиорлар эди.

В. И. Ленин, халқнинг ғолибона қуролли қўзғолони натижасида чор ҳукумати ўрнига муваққат революцион ҳукумат вужудга келтирилиши лозим, деди. Муваққат революцион ҳукуматнинг вазифаси революция ютуқларини мустаҳкамлашдан, контрреволюциянинг қаршилигини бостиришдан, партиянинг программа-минимумини амалга оширишдан иборат. Ленин, пролетариат ҳаракатлантирувчи куч бўлиб майдонга чиқадиган империализм давридаги буржуа-демократик революциянинг ғалабаси буржуазия диктатурасига эмас, балки пролетариат билан деҳқонларнинг революцион-демократик диктатурасига олиб келиши лозим, деб, революциянинг чоризм устидан қозонган қат'ий ғалабаси **пролетариат билан деҳқонларнинг революцион демократик диктатураси демакдир,** деб кўрсатди.

В. И. Ленин «Демократик революцияда социал-демократиянинг икки тактикаси» асарида меҳнаткаш халқ оммасининг революция ғалабаси учун олиб борадиган кураш йўллари ва воситалари ҳартараф-лама чуқур ёритиб берилган. Асарда пролетариатнинг чоризмни ағдариб ташлашдаги асосий воситаси қуролли қўзғолондан иборат эканлиги алоҳида қайд қилинади. В. И. Ленин, Париж Коммунаси тажрибаларини ўрганиб, чуқур анализ қилиб, халқ оммасининг қуролли қўзғолони чоризмни ағдариб ташлаш ва демократик республика барпо қилишнинг энг муҳим воситасидир, деб кўрсатди. Бу билан Ленин қурашнинг «тинч», келишучиликдан иборат меньшевистик йўлини аёвсиз фош қилиб ташлади.

Китобда оммани қўзғолонга ҳозирлаш ва уни умумхалқ қўзғолонига олиб келиш учун оммаларнинг революцион ғайрат ва ташаббусини авж олдириб юборароаладиган, оммани қўзғолон кўтаришга уюштираоладиган, чоризмнинг давлат аппаратини синдириб ташлайоладиган шиорлар бериш зарур эканлиги уқтирилади. В. И. Ленин партиянинг III с'езди қарорларини ана шундай шиорлар деб

АВГУСТДА ҲОСИЛГА ЯНА ҲОСИЛ ҚЎШАЙЛИК!

Сирдар'ё район I-нчи МТС зонасидаги илғор колхозларда ҳозирги хал қилучи кунларда ғўза парвариши қизғин давом этдирилмоқда

«Август ойида ҳам июль ойидаги сингари яхши ишласак, ёмон ғўзаларни ёмон аҳволга солиб қўйишимиз, тўпланган ҳосилни ҳам баланд бўлган ҳозирги вақтда ғўзани яхши парвариш қилиш, ғўзаларни яхшилаб олишимиз, аксинча, ишни тўхтатиб қўйсак, яхши йўқотиб қўйишимиз мумкин. Ҳаво температураси ҳарқачонгидан айниқса сувдан усталик блан фойдаланиш талаб қилинади».

(«Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Мактуби»дан).

Суратларда: (юқорида) С. Абдуқодирова — «Коммунизм» колхози партия ташкилотининг секретари. Бу колхоз а'золари пахтадан мўл ҳосил етиштириш ва олинган социалистик мажбуриятни шараф блан бажариш учун шу кунларда зўр ғайрат блан меҳнат қилмоқдалар, ҳосилга-ҳосил қўшаётирлар.

* * *

Л. Баналиев — «Ленинизм» колхозининг бригада бошлиғи. У раҳбарлик қилаётган бригада пахтакорлари августнинг ғанимат кунларидан тўла ва унумли фойдаланиб, меҳнат қилмоқдалар. Бригада ғўзалари ҳозиргача 4 марта сифатли парвариш қилинди, чеканка ўз вақтида ўтказилди. Бригада а'золари ўз зиммаларига оширилган мажбурият олиб, ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил етиштириш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Бригада колхозчилари партиямизнинг шонли XX с'ездини меҳнат совғалари блан кутиб олиш учун курашаётирлар.

Агротехника тадбирлари тўғри амалга оширилади

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг пахтакорларга қарата ёзган Мактубига амал қилиб, колхозимиз а'золари август ойида ҳам ғўза парваришини давом этдирадилар.

Мактубда ғўзани август ойида парвариш қилишда ҳам одатдагича ҳарбир ернинг шароити ва ғўзанинг аҳволи э'тиборга олиниши тавсия этилади. Бизнинг колхозимиз ери ўзига хос хусусиятга эга. Жумладан, еримизнинг асосий қисмида сизот сувлари бирмунча юза туради. Шунинг учун биз ғўзаларни бошқа ерлардагидек суғоралмаймиз. Ҳозир кўпчилик колхозларда ғўзалар уч ва ҳатто тўрт марта суғорилди. Бизнинг колхозда эса, ғўзалар энди 1,6 марта суғорилди. Эргаш Чўлпонов, Мамат Исломов, Ч. Шохпазов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда 272 гектар ердаги ғўзалар ҳатто бир мартагина суғорилди. Шунинг учун биз ҳамма ернинг тупроғи ва ғўзасининг ҳолатини тўла аниқлаб, август ойида ғўзаларимизни 1,3 марта суғоришни планлаштирдик. Бунда ба'зи ерлар бир марта, ба'зи ерлар кўпроқ суғорилиб, айрим ерлардаги ғўзалар мутлақо суғорилмайди.

Мактубда қайд қилинишига мувофиқ, 680 гектар ердаги ғўзанинг ҳолатини бирма-бир текшириб чиқдик. Натижада 40 гектарга яқин ердаги ғўзаларнинг ривожланишдан бирмунча орқада қолаётганлиги, кам ҳосил тугаётганлиги ма'лум бўлди. Бунинг сабабини ўрганганимизда ғўзанинг бирмунча сувдан қолганлиги, қатор ораларини ишлашда бирмунча камчиликларга йўл қўйилганлиги ма'лум бўлди. Шунинг учун биз орқада қолаётган ғўзанинг ривожланишини тезлатиш мақсадида алоҳида тадбирлар белгилаб, уни амалга ошираётирмиз.

Пахтадан мўл ҳосил етиштиришда зараркунандаларга қарши, айниқса изчиллик блан кураш олиб бориш керак. Бизнинг ғўзаларимизда май ойининг дастлабки кунларидаёқ шира, айниқса ўргимчакканалар кўринабошлади. Зараркунандаларни тарқатмаслик учун биз ўшавақтдаёқ кескин кураш олиб бордик ва бу ишни изчиллик блан давом этдирмоқдамиз. Ҳарбир бригада, звено бошлиғи, далада ишлаётган ҳарбир колхозчи ғўзани ҳамиша кузатиб борадилар ва бирон жойда зараркунанда ёки касаллик аломати кўринса дарҳол сигнал берадилар. Шунга мувофиқ зараркунанда тезда йўқотилади.

Ерости сувлари юза турган бизнинг шароитда бегана ўтларга қарши кураш ҳам катта аҳамиятга эга. Агар биз кетмон ёки культиватор блан дала оралаб турмасак бегана ўтлар, айниқса қиёқ, ғумай ва бошқаларнинг тезда бош кўтариши турган ган. Шунинг учун биз август ойида бегана ўтларни йўқотишни кўзда тутиб ҳам қатор ораларини ишлаймиз.

Колхозимиз а'золари белгиланган агротехника тадбирларини тўғри ва тўла амалга ошириб, мўл ҳосил етиштиралар.

С. ДАВИДОВ,
1-нчи МТСнинг «Коммунизм» колхозида хизмат қилаётган агрономи.

Ғўза парвариши қизғин давом этмоқда

Колхозимиз 670 гектар пахта майдонига эга. Биз бу йил пахтанинг таннархини камайтириш, энг зарури колхозчиларнинг қўл меҳнатини енгиллатиш, механизмлардан кенг миқ'ёсда фойдаланиш мақсадида 463 гектар ерга квадрат—уялаб чигит экдик ва бу ерларда 3 марта кўндалангига культивация ўтказдик. Ҳар йили ғўзаларни ёввойи ўтлардан тозалашда, чопиқ ўтказишда катта қийинчилик бўлар, бу ишлар белгиланган агротехника муддатларида ўтказилмай ҳосилнинг кўпайишига салбий та'сир кўрсатарди. Квадрат-уялаб чигит экиш ва ундан кейин бўладиган ишларни изчиллик блан давом этдириш туфайли дастлабки муваффақиятларга эришмоқдамиз.

Квадрат-уялаб чигит экиш ғўза парваришини ўз вақтида ўтказиш учун қулай шароит тўғдиришидан ташқари, смета бўйича сарф этилиши лозим бўлган меҳнат кунини иқтисод қилишга ҳам ёрдам бермоқда. Масалан, Ил'ёс Пирсантов бошлиқ бригаданинг 93 гектар еридан 71 гектарига квадрат-уялаб чигит экилгани учун 6 ойда 3000 меҳнат куни кам сарфланди. Умуман колхоз бўйича 6 ой мобайнида 37 мингта меҳнат куни иқтисод қилиб қолинди.

Квадрат-уялаб чигит экилган ерлардаги ғўзаларнинг ривожи ҳам, ҳосили ҳам бошқа, оддий усулда чигит экилган ерларга нисбатан анча яхши. Умуман колхоз бўйича ғўзамиз ўтган йилга нисбатан бирмунча эртаги бўлиб етилмоқда. Лекин бу барча майдонлардаги ғўзалар яхши, деган сўз эмас. Мусобақадош Верхне-волинск районидан келган ўзаро текшириш бригадаси кўрсатганидек, ҳозир колхозда 50 гектар ерда қолоқ ғўза бор. Биз бу ғўзаларни алоҳида парвариш қилиш йўли блан серҳосилли ғўзаларга етказиб олиш учун астойдил курашмоқдамиз.

Шу, август ойи давомида барча майдонларда 2 марта культивация ўтказиш, паст ғўзаларга шарбат оқизиш, ер шароитига қараб суғориш тадбирларини амалга оширмоқдамиз. Ҳозир кун иссиқ, бўйчан ғўзалар орасида ҳаво юришмайди. Мана шундай ерларда ғўзаларни шомоллатиш, ҳаводан яхши фойдалантириш мақсадида эгатлар бўйлаб от ораватилмоқда.

Анвар Турсунов бошлиқ бригаданинг 10 гектар, Исҳоқ Отометов бошлиқ бригаданинг 20 гектар, Бўтабой Отометов бошлиқ бригаданинг 15 гектар ердаги ғўзалари, айниқса паст, яхши ривожланмаган. Бу ерлар бир томондан шўр бўлса, иккинчи томондан ғўза парвариши сифатли ўтказилмади. Ҳозир шу хатоларни тузатиш мақсадида бу ерларда культивация, чуқур чопиқ ўтказиш, суғориш ишлари қизитиб юборилди.

Колхозимизда август ойида ғўза парваришини кучайтириш блан бирга пахта йиғим-теримига тайёрлик ишлари ҳам олиб борилмоқда. Пахта ташишда ишлатиладиган 26 от боқувга қўйилди. Колхоз устахонасида 8 та янги арава қилинди, 8 та эски арава, тош-торозилар ремонтдан чиқарилди. 8 та бригада ва 20 та звено учун хирмон қилишга киришилди.

Меҳнатсевар колхозчиларимиз хўжаликни ҳартарафлама ривожлантириш учун, айниқса пахтадан мўл ҳосил етиштириш, олинган мажбуриятни тўла-тўкис бажариш учун август ойида ҳам фидокорона меҳнат қиладилар. Колхозчилар ва механизаторлар партиямизнинг XX с'ездини пахтадан мўл ҳосил етиштирган ва она-Ватанга қишлоқ хўжалиги, чорвачилик маҳсулотларини кўплаб етказиб берган ҳолда муносиб кутиб оладилар.

Ж. МАВЛОНОВ.
«XIX партс'езд» колхозининг раиси.

Ишни Мактуб асосида олиб бормоқдамиз

Август — пахтадан мўл ҳосил етиштиришда ҳал этучи ойдир. «Коммунизм» колхозининг пахтакорлари Коммунистик партиянинг шонли XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақани янада кучайтириб, ҳосилга-ҳосил қўшиш учун ғўза парваришини сифатли ўтказишга ғоят зўр аҳамият бермоқдалар.

Колхоз партия ташкилоти правление блан биргаликда барча бригада ва звеноларда партия ва ҳукуматимизнинг ҳосилга-ҳосил қўшиш ойлиги тўғрисида пахтакорларга қарата мурожаат қилиб ёзган Мактубини кенг муҳокама қилиб чиқди. Мактуб колхозимиз а'золарини зўр ижодий меҳнатга отлантириб юборди. Муҳокама пайтида далалаги ҳозирги аҳвол батафсил ўрганилди, колхозчилар ўртасида кенг фикр олмашиниб, ҳарбир дала ва ҳарбир ғўза устида шу кунларда нима ишлар қилиниши тўғрисида жуда қимматли фикрлар баён қилинди. Ана шуларга асосан колхознинг ҳарбир бригада ва звеносида август ойида ғўзани парвариш қилиш юзасидан амалий тадбирлар белгиланди, ҳарбир ишловчи конкрет мажбурият қабул қилди.

Август ойида ғўза устида қилинадиган асосий иш суғоришни тўғри ва сифатли ўтказишдир. Лекин бу блан қатор ораларини ишлаш ва бошқалар тўхтатиб қўйилмайди, балки ҳар ернинг ўз шароити ва ғўзанинг аҳволига қараб, ба'зи ерлар бир марта, ба'зи ерлар эса, икки марта ва ҳатто ундан ҳам кўп культивация ва чопиқ қилинади. Бундан ташқари, бу йил ғўзанинг барги орқали озиқлантириш кенг қўлланилади. Зараркунанда ва касалликларга қарши кураш иши ҳам тўхтовсиз давом этдирилади.

Бу ишларни муайян план асосида тузилган графикларга мувофиқ ўз вақтида бажарилишини та'минлаш учун зарур бўлган моддий-техник воситаларни ишга солиш блан бирга колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишлар ҳам кучайтирилиб юборилди. Ҳозир далада 7 агитатор, 14 газетхон бевосита колхозчилар ўртасида агитация ишларини олиб бормоқда. Шу блан бирга аниқ план асосида колхозчиларга ҳархил лекциялар ўқиб ҳам эшитдирилади. Лекцияларнинг тематик плани тузилиб, лекторлар состави ҳам тасдиқланди.

Ўзаро мусобақалашаётган ҳарбир бригада, звено ва айрим колхозчиларнинг қилган ишлари муntазам равишда ҳисобга олинмоқда. Мусобақа якунлари ҳар ўн кунда якунланиб, илғорларга колхоз правлениеси ва партия ташкилотининг Кўчма қизил байроғи тақдим этилмоқда.

Далада ишловчилар учун маданий-маиший шароит ҳам намунали йўлга қўйилган. Айниқса, ёшболали аёлларга далада бемалол ишлаш имкониятини яратиб бериш учун боқча ва яслилар иши яхшиланди. Ҳозир уларда 56 бола тарбияланмоқда.

«Коммунизм» колхозининг а'золари қолган ғанимат кунлардан ғоят унумли фойдаланиб, пахтадан мўл ҳосил етиштирадилар ва давлат пахта тайёрлаш планини ошириб бажариш учун фидокорона меҳнат қиладилар.

С. АБДУҚОДИРОВА,
«Коммунизм» колхози бошланғич партия ташкилотининг секретари.

Суратларда: (юқорида) Х. Бакиров — «Коммунизм» колхозида хизмат қилаётган моҳир универсалчи. У, 180 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экиб берди. Бу майдонлардаги ғўзани қўндалангига ва узунасига парвариш қилишда ўртоқ Бакиров кундалик нормасини доим ошириб бажарди. Ҳозиргача донгдор универсалчи 1225 гектар ердаги ғўзани юқори сифатли культивация қилиб берди.

* * *

Р. Мирзаев — «Ленинизм» колхозининг моҳир сувчиси. Ўртоқ Мирзаев Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Мактубига жавобан август ойида ғўзаларни қондириб суғоришга алоҳида аҳамият бермоқда. У ишлаётган бригададаги ғўзалар кеча-кундуз нормал суғорилаётганлиги учун кўсак яхши тўлишмоқда ва ғўза тупларида ҳосил кун сайин кўпаётир. Ўртоқ Мирзаев суғоришдаги ўз тажрибасини бошқа сувчиларга ҳам ўргатмоқда.

Ҳосилни кўпайтириш учун курашамиз

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорларидан ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг пахтакорларга қарата ёзган Мактубидан илҳомланган колхозчиларимиз август ойида ғўза парваришини янада кучайтириб юбордилар ва пахтадан мўл ҳосил етиштириш тўғрисида қўшимча мажбурият олдилар. Биз дастлаб 570 гектар ернинг ҳар гектаридан 22,4 центнердан пахта ҳосили етиштиришга аҳд қилган эдик, ички имкониятни ҳисобга олиб ҳар гектар ердан 25 центнердан ҳосил етиштириш мумкинлигини аниқладик, даламизда аналиу мажбуриятни бажарадиган даражада мўл ҳосил етишмоқда.

Ҳозир далаларимизда иш қизғин давом этмоқда. Август ойида ғўзаларни 2 марта парвариш қилиш учун, ғўзаларни баргидан озиқлантириш учун курашилмоқда. Биз август ойида 400 гектар ерни баргидан озиқлантиришни планлаштирган эдик. Шу кунларда самолёт блан 300 гектар ердаги, трактор блан 100 гектар ердаги ғўза баргидан озиқлантирилмоқда.

Август ойида ғўзаларни ўз вақтида билиб суғориш катта аҳамиятга эга. Чунки шу кунларда билиб суғорилмаса, ютқазиб қўйиш мумкин. Сувчи ҳосил тақдирини ҳал қилучи фигурадир. Шунинг учун сувчилар ишига бефарқ қараб бўлмайди. Бизда ўз ишини виждонан бажараётган сувчилар бор. Жумладан Гулбой Аллақопов, Румин Мирзаев каби Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми томонидан қимматли буюмлар блан мукофотланган сувчилар бор. Улар пахтадан мўл ҳосил етиштиришда ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Август ойида ғўза парваришини кучайтириш блан пахта йиғим-теримига ҳам тайёрлик ишлари олиб борилмоқда. Йўллар тузатилмоқда, отлар боқилмоқда, тош-тарозилар, аравалар ремонт қилинмоқда. Шундай қилиб, ҳозир колхозимизда август ойи тадбирлари зўр бериб амалга оширилиб, ҳар гектар ердан 27 центнердан ҳосил етиштириш учун курашилмоқда.

А. НОРМАТОВ,
«Ленинизм» колхози ҳосилот советининг раиси.

СУВЧИЛАР

Қуёш ҳарорати ғўза япроқлари ичида жиғирлайди. Кенг пахтазор ёнидан ўтаётган катта ариқда сув қиргоққа уриб оқмоқда. Сувнинг муздек шабадаси қуёш нури таптида қизиб, юзга аллақандай намхуш аланга урилаётгандай... Пайкал оралаб юрган Қўчқор Масаидов қатор ёриб увотга чиқди. У кўрсатгич бармоғи блан пешонасида бўртиб турган терни сидирганда ўнг чеккасидан сув оқиб тушди. Қўчқор ака кетмонни ўқарақдаги сувга чайиб, елкасига ташлади. У сер тупроқ дала йўлидан қаторларга тикилиб боради. Тупроқ шунчалик қизиган эдики, эртадан кечгача сувда юрган Қўчқор ака ҳам чидайолмади, у гоҳ товонини, гоҳ оёқ учларини кўтариб босишга ҳаракат қиларди. Ғўза шохлари бир-бирига киришиб кетганлиги сабабли қаторларни аниқлаб олиш анча қийин эди. Ўқарақда лим-лим оқаётган сув қаторларга бўлиниб кетардики, бундан неча ўн минг туп ғўза бахраманд бўларди, кўсаклар тўлишар, шоналар гулга айланарди.

— Августда сувга тўйган ғўзанинг кўсаги салмоқли бўлади, — дала шийпонида ўлтирганларга дерди Қўчқор ака,—ердаги ўғитни ғўза танасига сув сингдиради, далаларга ҳар йили ҳам ўғитни кўп соламиз, хашакка тўйган қўзининг сув ичганда қорни чиққандай, ўғитга тўйган ғўзанинг кўсаги сувда тўлишади...

Ўртабўй, чўққисоқол ҳаракатида абжирлик сезилиб турган Қўчқор ака сувчилар тўғрисида сўзларкан, унинг ишга зўр муҳаббат қўйганлиги сезилиб турарди. Қўчқор Масаидов бундан беш йил илгари Фарғонадан кўчиб келганда ҳозирги пахтазорлар ўрнини кўриб «чўчиган» эди. Ахир 30 метр нарида сув оқаётган бўлса ҳам бу ерлар сувсизликдан қақраб ётарди. Катта пайкалнинг бир бурчагида эрта баҳорда экилган беда сув чиқмай саратонга борганда қовжираб қолди. Қўчқор ака мана шу ерга сув чиқаришга, пахта етиштиришга жазм қилди. Унинг бу фикрини колхоз правлениеси, партия ташкилоти ма'қуллади, техника ёрдамга келди. Катта ариқнинг икки томонига дамба кўтарилди, энди сув илгаригидан бир метр баландликда оқабошлади. Шу йили кўкламда 34 гектарли яхлит пайкалга биринчи марта чигит экилди. Умумий мажлисда шу далалар Қўчқор ака звеносига топширилди.

Янги ернинг «тилини» яхшироқ билиб олиш учун суғоришни Қўчқорака ўз қўлига олди. Сувга чанқоқ, бўз тупроқ ер эмасми, бугун қуйилган сув 3—5 кунда аранг этакларди. Биринчи, иккинчи йилларда бўлган қийинчиликлар матонат блан енгилди, ер унумдор бўлиб қолди, учинчи йили звено гектаридан 30 центнердан ошириб ҳосил йиғиб олди.

Учинчи йилда янги ердан мўл ҳосил етиштиришда сувчи, звено бошлиғи Қўчқор Масаидовнинг хиссаси катта эди. У сувчи сифатида ёш ғўзаларнинг сувхўр бўлиб қолмаслиги, чанқатиб қўйилмаслиги, қуллатиб суғорилмаслиги учун курашди, бошқаларни ҳам шундай қилишга ўргатди.

— Ғўзанинг тилини билиб суғориш керак, — дейди Қўчқор ака, ёш сувчиларга, — ҳаво исиган кунларда картадаги сув қуллаб қолса у, исиб ғўза илдизини қиздириб қўяди, ёки пастдаги, я'ни ғўза томирлари таралган жойдаги тупроқ нормал намланмаса, экиннинг ривожи паст бўлади. Сув экиннинг онаси...

Мўл ҳосил етиштиришга аҳд қилган, ўз вазифасини меҳр-муҳаббат блан бажаришга ҳаракат қилучи деҳқон ишлаётган далада ўсимлик учун ерда ҳамавақт нам ҳам, ўғит ҳам етарли бўлади. Қўчқор Масаидов ҳам ўз ишининг жонкуярларидан. У иссиқни-иссиқ, совуқни-совуқ демайдиган деҳқонлардан...

— Августда ғўза сувга яхши қонса, унинг кўсаклари хакка тумшуқ бўлиб қолмайди, сентябрь кирар-кирмай пахта бўлиб очилади, — дейди уста сувчи, — биз кўсакдаги пахтанинг 7—8 граммли бўлиши учун курашамиз. Бунга эришмоқ учун августда даладан чиқмаймиз...

«XIX партс'езд» колхозининг сувчиси Қўчқор ака блан хайрлашиб, қўшни, «Ленинизм» колхози томонидаги йўл олганимизда қуёш тиккага келган, хароратли найзасини пойнсиз пахтазорларга қадамоқда эди. Колхозчилар ҳам, механизаторлар ҳам намхуш қўйнакларини елпитиб, соя-салқин дала шийпонларида ҳордиқ чиқармоқда эдилар.

Катта йўлдан Шарқ томон ғизиллаб кетаётган машина орқасидан кўтарилаётган чанг иссиқ ҳаво заптидан дарров тарқалаолмай булут парчаларидай сузиб юрарди. «XIX партс'езд» колхозидан анча йироқлашганимизда шолипояларга, ундан узоқроқда эса, қишлоққа туташган пахтазорга дуч келдик. Пахта далаларидан ўнг томонда, маккажўхориси ўрилабошлаган жойда катта бино кўзга ташланиб турарди. Бу «Ленинизм» колхозининг яқинда битказган сигирхонаси экан. Шу ердан ўтиб колхоз идорасига келдик. Бу ердаги кабинетларнинг эшиги қулф эди. Рўпарадаги деворга «Ҳамма далага!», деб ёзиб қўйилгани сабабли, биз ҳам ўша томонга кетдик.

Икки томони пахтазор дала йўлидан бордик. Рўпарадаги дала шийпони ёнида беш-олти киши сўзлашиб турар, улар гоҳ пахтазорга имо қилишар, гоҳ кўрсатгич бармоқлари блан ерда аллақандай схемалар чизиб кўрсатишарди. Анашу кишилар блан танишдик: «Ленинизм» колхозининг миришкор сувчилари Г. Яллақопов, Р. Мирзаев, ҳосилот советининг раиси Алимат Норматов, агроном Турсун Исҳоқовлар экан. Ҳосилот ўрта бўйли, қотмадан келган, доим юзида табассум ўйнаб туручи ёшгина йигитга ҳазиллашди:

— Мукофот олган бўлсанг ҳам пинагингни бузмайсана...

— Пахта очилган куни зиёфатга бирга бўласиз, Алимат ака, анашу куни қиламизда яллани...

Улар қалбда гупуриб турган кулгини яшираолишмади. Жаранглаб кўтарилган қаҳ-қаҳа атрофга таралди, дала шийпонида ўтирганлар ҳам ўша томонга қарашди, бир-бирларига бирнима дейишиб, улар ҳам илжайиб қўйишди. Ҳали кулги тинмаган ҳам эдики, «Москвич» машинада колхоз раиси Оллоберди Тиллаев келиб қолди, у дала шийпонига кириб, ҳамма блан саломлашди. Раиснинг келганини кўргач атрофда тўп-тўп бўлиб ўтирганлар ҳам шийпонга тўпланишди. Раис ўртага қўйилган стулга ўтирди. Стол устидаги қоғозларни бирма-бир кўздан кечиргач, аста ўрнидан турди ва атрофга кўз югуртирди. Чақирилган кишиларнинг ҳаммаси келганлигига қаноат ҳосил қилгач:

— Бригада бошлиқлари ва сувчилар мажлиси очиқ, — деди.

...Зотан қарсак чалинмаган бўлса ҳам, кишилар ўртасида шундай бир ҳаракат бўлдики, бундан одамларнинг мажлисга катта аҳамият берганлиги сезилиб турарди. Тўрда, оёгини узатиб ўтирганлар қимтиниб олди, аллаким чордонасини бузиб огоҳланди. Яна кимдир газетани этик қўнжига тиқиб, раисга тикилди.

— Сўз ҳосилот советининг раиси Алимат Норматовга, — деди раис.

Ҳосилот ўрнидан турди, дўпписини тўғрилаб қайта кийди, пиёладаги чойдан бир хўплаб гап бошлади:

— Мактубни ўқиб чиқдик, партия ва ҳукуматимиз бизга мурожаат қилиб, ҳосилнинг тақдири сизларнинг қўлингизда, депти. Дарҳақиқат шундай. Августда ҳам далада бўлсак, ғўза тагини яйратсак, сув деганда сув, ўғит деганда ўғит етказиб берсак кўсак тўлишади, шона, гул кўпаяди.

Сувсизликдан киши ҳолдан тояди, кўп сув ичганда кўнгил беҳузур бўлади. Ғўза ҳам мисоли одам. Ҳаддан ташқари кўп сув ичса кўнгли айниб шона ва гулини ташлайди, сувдан қолса дармонсизланиб, ҳосилига зўр бераолмайди. Ғўзанинг тилини биладиган сувчилар кўп. Г. Яллақопов, Р. Мирзаевлар эртадан кечгача сув кечиб юрса ҳам чарчадим демайди, ғўза яшнагани сари уларнинг кўнгли қуванади. Аммо шундай сувчилар ҳам борки, эгатга апилтапил сув тарайдику, ўзини салқинга уради. Мажид Оголиев, Акавой Шуайтов сингари сувчиларни далада эмас, қачон борсангиз шийпонда ёнбошлаб ётганини кўрасиз. Қуёшнинг яллиғидан чўчиган сувчи — сувчи эмас.

Гапни мулойим ва секин бошлаган ҳосилот тобора қизишмоқда эди. У ўз ишини жонкуярлик блан бажараётган кишиларни улуғлаб, дангаса, соғпар сувчиларни танқид қамчиси блан савалаб гапирарди.

— Ҳозирги кунда ҳосилимизнинг кўпайиши ҳам, арзимас сабаб блан камайиши ҳам сиз, сувчиларга боғлиқ, — дерди у, — Мажид ёки Акавойга ўхшаб жонининг роҳатини кўзлаб, ғўзани бир кун сувдан қолдирса, пахта теримида икки кун кечикамиз. Агар шу кунларда битта-иккита гул тўкилса, кузда минг чўт қоқинг, рақам юз бўлмайди. Кетмончи, универсалчи қатори сувчи ҳам астойдил ишласа, гул ҳам тўкилмайди, кўсак ҳам пучқоқ бўлиб қолмайди.

— Ҳосил мўл бўлсин, колхозимиз яна бир погона юқорига кўтарилсин, деган деҳқон пахта очилгунча кетмонни қўлдан қўймайди. Биз Сизларни мана шундай ишлашга чақирамиз!

Бу гал ҳам қарсак чалинмади, лекин ўтирганлар қалбида меҳнатга муҳаббат жўш уриб турганлигини уларнинг юзидан дарров пайқаб олиш мумкин эди. Ҳосилотдан кейин сўзга чиққан сувчилар ўзларининг қисқа, ма'ноли нутқларида ғайрат ва фидокорликларини ифодаладилар. Мирзакобил Мусулмонов бундай деди:

— Экин тақдири бизнинг қўлда. Пешона тери тўкиб етиштирилаётган ҳосил агар бизнинг бепарволигимиз туфайли нобуд бўлса, ҳаммамиз ерга қараймиз. Ёзнинг иссиғида ялқовлик қилган кузнинг қорасовуғида муз чанггаллайди. Ҳозир яхшироқ ишлайлик, оғайнилар...

Мажлисга раис якун ясади:

— Гектаридан 30 центнердан ҳосил беришга кўл қўйганмиз. Оғизда катта гапириб, амалда, сводкада охирги ўринда юрсак, қўшниларимиз кулишади. Августда астойдил ҳаракат қилсак, октябрьда Қизил байроқ бизнинг қўлимизда бўлади. Ҳозирги кунларда сиз, сувчилар ғайрат қилсаларингиз ҳосилга ҳосил қўшилади. кўсак бўрдоқи бўлади.

Бригада бошлиқлари ва сувчилар августда астойдил ишлаб ғўза тупларида кўсакни янада кўпайтиришга, ҳосилга ҳосил қўшишга қарор қилдилар. Улар тарқалганда қуёш атрофни қайноқ нафасига ўраб олган, қаторлардаги сув ғўзалар танасига сингиб, уларнинг япроқларини яшнатмоқда эди.

С. МАҲКАМОВ,
Б. ХАЛИЛОВ.

Янгийўл районидаги Свердлов номли колхозда суғоришга алоҳида э'тибор берилмоқда. Суратда: уста сувчи М. Мусаев (ўнгда) ўз шогирдлари М. Тўлаганова ва Н. Боқиева ўртоқларга суғориш қоидаларини ўргатаётир.

Н. Меламед фотолари.

СССР Олий Советининг учинчи сессияси тўғрисида чет элларда баён қилинган фикрлар

АҚШ

НЬЮ-ЙОРК, 7 август. (ТАСС). Америка матбуоти СССР Министрлар Советининг раиси Н. А. Булганиннинг СССР Олий Советининг 3-нчи сессиясида қуролсизланиш масаласида айтган гапларига ва президент Эйзенхауэрнинг шу масалада айтган гапларига оптимистик баҳо беришда давом этмоқда. Юнайтед Пресс агентлигининг мухбири Гонсалеснинг Вашингтондан билдиришича, Америка ҳукуматининг вакиллари, президент Эйзенхауэр ва Совет бош министри Н. А. Булганин «қуролсизланиш соҳасида муваффақиятларга эришмоқ учун йўл очиб қўйдилар» деб айтганлар.

«Қуролсизланиш масаласида Вашингтон блан Москва ўртасида фикр олишув тез авж олиб бораётганлиги, — деб ёзади мухбир, — етарли равишда аниқ шакл олди. Бу эса расмий доираларда, қуролсизланиш масаласида 29 августда Нью-Йоркда Бирлашган Миллатлар Ташкилотида бошланадиган музокараларда инспекция соҳасида яхши иш бошланиши мумкин, деб умид билдиришга имкон бермоқда.

Бу кенгашда ва кейинроқ тўрт давлат ташқи ишлар министрларининг, октябрь ойида бўладиган кенгашида Қўшма Штатлар қуролсизланиш соҳасида ўзининг энг янги идеяларини баён қилиб беради...».

Мухбирнинг ёзишича, Н. А. Булганиннинг ўз докладида «Қўшма Штатлар президенти тўғри айтганидек, қуролсизланишга доир қаҳқайси план контроль ва инспекция масаласидан иборат бўлмоқда» деб айтган гаплари, шунингдек унинг сессиядаги охирги сўзида, Эйзенхауэр таклиф қилган план ўрганилади, деб айтган сўзлари АҚШ расмий доираларининг, ҳар иккала томон қўп йил давом қилган муваффақиятсизликдан кейин қайси нуқтадан иш бошлаш кераклиги тўғрисида битимга келдилар, деган умидларини мустаҳкамлаган.

Бирқанча газеталар Совет-Америка муносабатларининг перспективаларини ва бу муносабатларнинг тинчлик иши учун бўлган аҳамиятини муҳокама қилмоқдалар. «Нью-Йорк таймс» газетасининг мухбири Солсбери Вашингтондан берган хабарида: «Ҳозир АҚШ уруш эмас, балки тинчлик бўлиши кўпроқ муқаррар, деган таҳминга асосланиб келажак тўғрисида ўйламоқда», деб ёзади. Солсберининг сўзига қараганда, бу нарса ҳозирги позициянинг бундан бир йил олдинги позицияга нисбатан ўзгарганлигини кўрсатади. «Янги халқаро вазиятда — деб давом қилади мухбир, — асосий нарса шу бўлмоқдаки, Шарқ ҳам, Ғарб ҳам асосан бир-бири блан тинч яшашни истамоқда».

«Нью-Йорк таймс» газетаси бир ҳафталик воқиалар обзори бўлимида «Шарқ блан Ғарб ўртасида бир-бирларига қарата яна ёмшоқ гаплар айтилмоқда» деган сарлавҳа остида мақола босиб чиқарди. Бу мақолада айтилишича, ўтган ҳафтада жаҳон давлатлари ярашиш руҳини сақлашда давом этганга ўхшайдилар. «Женева руҳи» биринчи марта Узоқ Шарқда синовдан ўтди ва бу синовнинг бошланиши умид бағишлайдиган бўлиб чиқди. Шу блан бир вақтда, афтидан, буюк тўртлар янги руҳни давом этдирмоқ учун одатдан ташқари тадбирлар кўришга киришдилар».

Газета Женевада АҚШ блан музокаралар бошланиши блан бирвақтда Хитой Халқ Республикаси ҳукумати томонидан америкали учучиларнинг озод қилинганлиги яхши та'сир этганлигини эслатади ва Н. А. Булганининг Д. Эйзенхауэрнинг қуролсизланиш соҳасидаги планлари Совет ҳукумати томонидан ўтганилмоқда, деб айтган гаплари яхши таассурот туғдирганлигини кўрсатиб ўтади. «Шундай қилиб,— деб ёзади «Нью-Йорк таймс» газетаси, — халқаро иқлимнинг ҳозирги пайтда ва яқин келажакка қаратилган прогнозини, афтидан, «очиқ ва илиқ» деган сўзлар блан ифодаласа бўлади».

«Ҳозир, — деб ёзади, «Нью-Йорк таймс» газетасининг мухбири Эйбел, — очиқ кўриниб турган ёмшоқ вазият вужудга келди, шунинг учун ҳам Эйзенхауэр ҳукумати Хитойга нисбатан ўз сиёсатига «машақатланиб бўлса ҳам қайта баҳо бераётган»га ўхшайди.

ХИТОЙ

ПЕКИН, 7 август. (ТАСС). «Жэньминьжибао» газетаси тўрт давлат ҳукуматлари бошлиқлари Женева кенгашининг якунлари тўғрисида СССР Олий Советининг учинчи сессиясида Н. А. Булганининг докладига бағишланган ўзининг бугунги бошмақоласида, бу докладда бутун дун'ёда тинчликни сақлаш ишида Совет Иттифоқининг тинчликсевар ташқи сиёсати катта роль ўйнаганлиги ва унинг муваффақиятлари ёрқин акс этди, деб ёзмоқда. Халқаро кескинликни ёмшатиш учун, халқаро проблемаларни тинч йўл блан ҳал қилиш ва «совуқ муносабатлар урушн»ни тўхтатиш учун курашаётган барча мамлакакларнинг халқлари, — деб ёзади газета, шу докладдан руҳланиб, уни қизғин қўллаб-қувватламоқдалар.

Газетанинг уқтириб ёзишича, Совет Иттифоқи томонидан амалга оширилган ва халқаро кескинликни ёмшатишга ҳамда давлатлар ўртасида ишончни тиклашга қаратилган тадбирлар халқлар хавфсизлиги ва тинчликни та'минлаш манфаатларига тўла равишда мувофиқдир, бу тадбирларни барча мамлакатларнинг халқлари қизғин равишда қўллаб-қувватлаб кутиб олдилар. Бу тадбирлар халқларнинг тинчликни ҳимоя қилишга ва янги уруш хавфини йўқотишга бўлган ишончини мустаҳкамлади. Бу эса Женева кенгашини ўтказиш учун қулай шароит вужудга келтирди.

Газета Совет Иттифоқи томонидан Женева Кенгашида Европада хавфсизликни та'минлаш масаласи юзасидан, Германия масаласи юзасидан ҳамда қурол-яроғларни камайтириш ва Шарқ блан Ғарб ўртасида алоқаларни ривожлантириш масалалари юзасидан қилинган таклифларни хитой халқи тўла равишда қўллаб-қувватлаётганини кўрсатиб қўйидагиларни ёзади:

Хитой халқи Осиё ва Узоқ Шарқдаги аҳволга Булганин томонидан берилган баҳони ма'қуллайди ва Осиёдаги ҳамда Узоқ Шарқдаги вазиятни ёмшатиш тадбирлари тўғрисида Хитой ҳукумати кўрсатган ташаббусни Совет ҳукумати қўллаб-қувватлаётганлигини қизғин табриклайди. Совет ҳукуматининг бу соҳадаги куч ва ғайрати,— деб ёзади газета,—Осиёдаги ва Узоқ Шарқдаги вазиятни ёмшатишда катта роль ўйнамоқда. Женева Кенгашида вужудга келган ҳамкорлик руҳи тўрт давлат ҳукуматлари бошлиқларининг Женевадаги Кенгашидан кейин, я'ни ҳозирги вақтда Узоқ Шарқдаги хатарли вазиятни ёмшатмоқ учун айниқса қулай имкониятлар туғдирмоқда. Хитой Халқ Республикаси блан АҚШ ўртасида 1 августда Женевада элчилар даражасида бошланган музокаралар қулай шароитда ўтмоқда. Табиий, агар ҳар икки томон зўравонлик руҳида эмас, балки музокаралар руҳида иш олиб бориб, бамаслаҳат бир фикрга келишга астойдил интиладиган бўлсалар, деб та'кидлайди газета у ҳолда бу музокаралар Осиё ва Узоқ Шарқ проблемаларини ҳал қилмоқ учун қулай перспективалар очиб бериши мумкин.

Правардида «Женьминьжибао» газетаси бутун дун'ёдаги тинчликсевар халқлар олдида турган ва Н. А. Булганин